

## ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ 2-ТУРИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЮРАК ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИГА ГЛИКЕМИК НАЗОРАТ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Б.Х.Шагазатова<sup>1</sup>, Ф.С.Мирхайдарова<sup>1</sup>, Ш.Б.Салиева<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Тошкент тиббиёт академияси

<sup>2</sup>Андижон Давлат тиббиёт институти

Қандли диабет билан касалланиш IDF маълумотларига кўра, 2030 йилга келиб 785 миллионга етиши тахмин қилинмоқда. Қандли диабет билан касалланишнинг ортиши ўз навбатида юрак қон-томир, сурункали буйрак касалликлари каби ҳаёт учун ҳавфли асоратларини ҳам қўпайишига олиб келади. Қандли диабетдан вафот этганлар ўлим сабаби ўрганилганда, айнан юрак қон-томир касалликлари етакчилик қилган.

**Тадқиқот мақсади.** Қандли диабетнинг 2-тури билан касалланган bemорларда юрак қон-томир касалликлари ривожланишига гликемик назорат таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқот материалари ва усуллари.** Тадқиқотга 711 нафар bemор жалб қилиниб, уларнинг 54% аёллар ва 46% эркаклардир. Эркакларнинг ўртача ёши  $53,3 \pm 1,02$ , аёлларники  $60,3 \pm 1,13$  ёшга teng бўлди. Қандли диабетнинг давомийлиги  $10,0 \pm 1,21$  йил, юрак қон-томир касалликлари давомийлиги эркакларда 34%, аёлларда 40% ни кўрсатди. Беморларни қандли диабетнинг давомийлиги бўйича 3 гурухга, 1-гурух ҚД давомийлиг 5 йилгача, 2-гурух 5-10 йилгача ва 3-гурух 10 йилдан ортиқ давом этган диабетdir.

**Тадқиқот натижалари.** Тадқиқотдаги bemорларда диабетик тўпиқ синдроми 1-гурух bemорларда 18,8%, 2-гурухда 31,4% ва 3-гурух bemорларда 33% ҳолатларда кузатилган. Сурункали буйрак етишмовчилиги эса 1-гурухда 24,64%, 2-гурухда 42,63% ва 3-гурухда 49,74% учраган. Юрак ишемик касаллигини учраши 30,4% 1-гурухда, 41,9% ҳолат 2-гурухда ва 64% эса 3-гурухда аниқланди. Ушбу bemорларда гликирланган гемоглобин 7-8% кўрсаткичи 42,2% bemорда, 8% дан юқори натижаси эса 41,1% bemорда кузатилган. Гликирланган гемоглобиннинг 7-8% натижаси кузатилган bemорлар таҳлилида эркак ва аёллар орасида сезиларли фарқ бўлмаган, бироқ 8% дан юқори натижа эркаклар (147 нафар) орасида аёлларга (108 нафар) қараганда ишончли юқори қийматни кўрсатди.

**Хулоса.** Юқоридаги натижалар шуни кўрсатадики, қандли диабет давомийлигини ортиши асоратларни қўпайиши билан тўғри корреляцияланади. Гликирланган гемоглобин 83,3% bemорда қониқарсиз натижани қўрсатиши, гликемик назоратни, айниқса эркаклар орасида паст эканлигини тасдиқлайди. Бу эса асоратларни олдини олишда bemорларни ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш, гликемик назоратни кучайтириш заруратини кўрсатади.